ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.10.01-23 «ЯССИ ВА ЧИЗИҚ ТАРЗИДАГИ ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ УЧУН ЕР МАЙДОНЛАРИ ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 2 апрелда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 243]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 октябрдаги 577-сон «Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.10.01-23 «Ясси ва чизиқ тарзидаги иншоотлар қурилиши учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 5 март,
01/2-2-сон
Келишилди:

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 29 январь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 30 январь

Қишлоқ хўжалиги вазири И. АБДУРАҲМОНОВ

2024 йил 30 январь

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 29 январь

Транспорт вазири И. МАХКАМОВ

2024 йил 2 февраль

Сув хўжалиги вазири Ш. ХАМРАЕВ

2024 йил 29 январь

Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б. ИСЛАМОВ

2024 йил 20 февраль

Иқтисодиёт ва молия вазири Д. КУЧКАРОВ

2024 йил 21 февраль

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи ўринбосари О. ҚУДРАТОВ

2024 йил 23 февраль

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазири Ш. ШЕРМАТОВ

2024 йил 15 февраль

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2024 йил 5 мартдаги 01/2-2-сон
буйруғига
1-ИЛОВА

ШНҚ 2.10.01-23 «Ясси ва чизиқ тарзидаги иншоотлар қурилиши учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш»

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) қуйидаги мақсадларда аниқланадиган (ясси ва чизиқ тарзидаги иншоотларни лойиҳалаш учун) ер майдонларининг ўлчамларини аниқлашга бўлган талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари қуйидаги ер майдонларининг ўлчамларини аниқлашга нисбатан татбиқ этилади:

магистрал ер ости, ер усти ва ер юзасидаги қувурўтказгичлар (табиий газ, нефть ва нефть маҳсулотлари ўтказгичлари), шунингдек уларни тутиб турувчи ўзак тирговучларни ўрнатиш;

балиқчилик хўжалиги корхоналарини;

магистрал сувўтказгичлар ва чиқинди тўплагич зовурлар ҳамда уларнинг бошқарув хона ва қудуқларини жойлаштириш;

барча турдаги аэродромлар учун алоҳида тузилмалар ва техник хизмат ҳудудларни қўшиб ҳисоблаганда, аэропортлар учун доимий фойдаланиш зоналари;

нефть ва газ қудуқлари учун аниқланадиган, нефть ва газ конларидаги қувурўтказгичлар ва йўллар;

телекоммуникация тармоқлари ва иншоотлари;

геология-қидирув қудуқларини қуриш, технологик майдончаларни ва геология-қидирув объектларида аҳоли яшаш пунктларини жойлаштириш учун ер майдони, шунингдек фойдали қазилмаларни қидириш ёки кузатиш (разведка) даврида вақтинча фойдаланиш учун зарур бўлган муҳандислик коммуникациялари;

муайян кучланиши бўлган ер ости, ер юзаси ва юқоридан (ҳаводан) электр узатиш тармоқлари учун шу тармоқ таркибига кирувчи трансформаторлар, электр энергиясини тақсимлаш, секцияларга ажратиш, учириб-ёқиш ва кучланишни пасайтириб берувчи подстанцияларни жойлаштириш, тутиб турувчи таянчлар кўп бўлган ҳар қандай кучланишли электр узатиш тармоқлари;

янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган автомобиль йўллари ҳамда йўл сервиси объектларини жойлаштириш;

1520 mm изли темир йўллар бўлган ташқи темир йўлларга келиб қўшиладиган саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг темир йўллари;

сув ўтказиш имконияти 10 m^3/s дан ортиқ бўлмаган ирригация ва мелиорация тармоқлари (суғориш, сув йиғиш-ташлаш, коллектор-дренаж, зовурлар) учун аниқланадиган ер майдонининг энини.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳаволалар

1. Ушбу ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш»;

ШНҚ 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари»;

ШНҚ 2.04.08-13 «Газ таъминоти. Лойиҳа нормалари»;

ҚМҚ 2.05.06-97 «Магистрал қувурўтказгичлар»;

ШНҚ 2.05.01-19 «1520 mm изли темир йўллар. Лойиҳалаш меъёрлари».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир;

ясси тарзидаги иншоотлар — ер юзасининг маълум бир қисмини эгаллаган, ишлаб чиқилаётган тарҳ масштабида акс эттирилган, бўйлама ва кўндаланг ўлчамларини кўрсатиш имконига эга иншоотлар;

чизиқ тарзидаги иншоотлар — турли хилдаги коммуникация линиялари (масалан, электр тармоқлари, электр узатиш линиялари, сув, газ, ёқилғи узатиш қувурлари);

муҳофаза зонаси — ҳар томондан маълум бир масофада жойлашган шартли чизиқлар билан чегараланган ер участкаси;

ер ости қувурўтказгичи — ер остида жойлашган, тупроқ билан бевосита алоқада бўлган ва нефть маҳсулотларини сақлаш учун ер усти идиши (резервуари) билан боғланган қувурўтказгич;

ер усти қувурўтказгичлар — таянчларда ер юзасидан юқорида жойлашган қувурўтказгич;

ер юзасидаги қувурўтказгичлар — ер юзасида кўтармада (тўкмада) жойлашган қувурўтказгич;

оқова сувлар — сувни истеъмол қилиш ва (ёки) ундан фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари орқали оқизиб юбориладиган сув;

автомобиль йўли — транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ;

ажратилган минтақа — автомобиль йўли, унинг тегишли конструктив элементлари ва муҳандислик иншоотлари, шунингдек автомобиль йўлидан фойдаланиш учун зарур бўлган бинолар, иншоотларни жойлаштириш, иҳота ва манзарали дарахтзорлар барпо этиш учун доимий фойдаланишга қонунчиликда белгиланган тартибда бериладиган ер участкаси;

йўл инфратузилмаси ва йўл сервиси объектлари — умумий равишда юк ҳамда йўловчиларни ташувчиларга, шунингдек йўл ҳаракати қатнашчиларига хизмат кўрсатувчи бир мақсадли ёки мажмуа таркибидаги бино-иншоотлардир;

хавфсизлик минтақаси — умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун йўл қурилишига ажратилган ер тасмаси чегарасидан қизил чизиққача бўлган масофа. Кўчалар учун — қатнов қисми четидан қизил чизиққача бўлган масофа;

кювет — кичик ариқ, автомобиль ёки темир йўллари ёқасида трапеция шаклида кесилган ер сатҳи;

телекоммуникациялар инфратузилмаси — телекоммуникация воситалари мажмуи;

телекоммуникациялар тармоғи — алоқа линиялари (каналлари) орқали ўзаро боғланган ва телекоммуникацияларни амалга оширувчи ускуналар мажмуи;

электр узатиш ҳаво тармоғи (ҲТ) — очиқ ҳавода жойлашган, изолятор ва арматуралар ёрдамида таянчларга ёки муҳандислик иншоотлари (кўприклар, кўприк йўллари) кронштейнларига ҳамда устунларга маҳкамланган симлар орқали электр энергиясини узатиш учун мўлжалланган мажмуа;

ўзак тирговучлар — ишчи муҳитдаги оқимга мўлжалланиб, маълум бир герметик маҳкамланган арматура.

3. Ушбу ШНҚда қуйидаги шартли белгиланишлар ва қисқартмалар қўлланилган:

АЁҚС — автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияси;

АГҚС — автомобилларга газ қуйиш станцияси;

АГТКС — автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияси;

ТИҚ — техник иқтисодий кўрсаткичлар;
ЁТҚ — ёпиқ типдаги тақсимловчи қурилмалар;
ОТҚ — очиқ ўрнатилган тақсимлаш қурилмалари.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Мазкур ШНҚнинг талаблари тарихий-маданий аҳамиятга эга ерлар, табиат ёдгорликлари, ўрмон фонди ерлари, захира ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, ўрмон хўжаликлари учун аниқланадиган ер майдонларига нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Сув ўтказиш имконияти 10 m^3/s дан ортиқ бўлган ирригация ва мелиорация тармоқлари, портлатиш усули билан яратилган каналлар, шунингдек ўпирилиш ва сел хавфи бор ҳудудлардан ҳамда аҳоли яшаш жойларидан ўтадиган каналларнинг ўлчамлари шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ аниқланиши керак.

5. Ясси ва чизиқ тарзидаги иншоотларни қуриш учун ердан оқилона фойдаланишда қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

ер майдонини аниқлашдан олдин улардан оқилона фойдаланиш бўйича режаларни;

шаҳар ҳамда қишлоқларнинг ривожланиши ва кетма-кетлигини белгиланиши, бунда зарур бўлган ердан фойдаланиш бўйича режалаштиришни;

мавжуд туманларнинг янгиланиши, келажакда ривожланиши ва қайта ташкил этилиши, хизмат кўрсатиш ва марказий ҳудудларнинг таъминотини ривожлантиришни;

ҳайвонлар, ўсимликлар, ер, тупроқ, сув, ҳаво, иқлимга таъсир ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик, шунингдек ландшафт ва биологик хилма-хилликка таъсирни;

атроф-муҳитнинг маданий қадриятлар ва бошқа мулкка таъсирини;

чиқинди чиқишини олдини олиш, чиқинди ҳамда оқова сувларни тўғри бошқаришни;

энергия ва сув таъминоти, унинг ишончлилигини;

юк ташувчи ҳамда маҳаллий жамоат транспорти ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда шаҳар ривожланишини режалаштириш.

6. Техник-иқтисодий асослантирилганда мураккаб физик-геологик шароитлардаги қудуқ иншоотларига, йўлдаги сувларни йўналтиришга, котлован қазиш, насос блокларини ташиш, мураккаб рельефли участкаларни қолдириш учун зарур бўлган, ер майдонларининг ўлчамини оширишга йўл қўйилади.

7. Электр энергияси ва сув билан таъминланганлиги ҳамда хизмат кўрсатиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда йўл инфратузилмаси ва йўл сервиси бино-иншоотларни жойлаштириш лозим.

Йўл инфратузилмаси ва йўл сервиси объектларини жойлаштиришда улар оралиғидаги масофалар автотранспорт ҳаракати жадаллигига боғлиқ ҳолда ШНҚ 2.05.02-07га мувофиқ аниқланади.

8. Йўл инфратузилмаси ва йўл сервиси объектларини жойлаштиришда хизмат кўрсатиш даражаси, атроф-муҳит муҳофазаси ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳудудларнинг хусусиятлари ва ландшафт шароитлари ҳисобга олиниши лозим.

4-боб. Магистрал қувурўтказгичлар ва сувўтказгичлар, чиқинди тўплагич зовурлар ҳамда қудуқлар учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

1-§. Магистрал қувурўтказгичлар учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

9. Магистрал қувурни қуриш учун аниқланадиган ер майдонининг бўйи ва эни шунингдек, қувурларни беркитиш мосламаларини ўрнатиш учун аниқланган ер майдонларининг ўлчамлари мазкур ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланиши лозим.

10. Магистрал қувурларни реконструкцияси ва капитал таъмирлашда аниқланадиган ер майдонининг эни ва бўйи шаҳарсозлик ҳужжатлари билан аниқланади.

Ер йўлкасининг эни тегишли диаметрдаги қувурлари учун ушбу ШНҚнинг 1-иловасида келтирилган ер миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим.

11. Икки ёки ундан кўпроқ ёнма-ён қурилаётган параллель магистрал қувурлар бўйига аниқланадиган ер йўлкасининг энига битта қувур учун мазкур ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ тенг олиниб, четдаги ёндош қувурлар ўқлари орасидаги масофа қўшилади. Ёндош қувурўтказгичлар ўқлари орасидаги масофа ушбу ШНҚнинг 2-иловаси бўйича қабул қилинади.

12. Магистрал қувурни қуриш даврида аниқланган ер майдонининг бўйи ва энининг ўлчамлари ушбу ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланади.

13. Ичимлик суви ва канализация тармоқлари муҳофаза зоналарининг ўлчамлари ушбу ҳудуддаги камералар, қудуқлар ва жиҳозларнинг ўлчамлари, жойлашуви, ўрнатиш шартлари ҳамда уларни таъмирлашдан келиб чиққан ҳолда минимал даражада белгиланиши лозим.

14. Ичимлик суви ва канализация тармоқлари ҳамда ер ости муҳандислик-коммуникация тармоқларидан бино ва иншоотларгача бўлган энг яқин масофалар ШНҚ 2.07.01-03га мувофиқ белгиланиши керак.

15. Тармоқларни хандақ усулида ётқизишда (ёки таъмирлашда) чўкиш даражаси бўйича I турдаги тупроқ шароитида тармоқ ўқидан ҳар бир томонга 5 m дан кам бўлмаган масофада муҳофаза зонаси белгиланиши, бунда чўкиш даражаси бўйича II турдаги тупроқ шароитида муҳофаза зонаси ўлчами ШНҚ 2.07.01-03га мувофиқ белгиланиши зарур.

16. Магистрал сув қувурлари ва канализация коллекторларидан фойдаланиш даврида аниқланган ер майдонларининг ўлчамлари ушбу ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ белгиланиши лозим.

17. Сув қувурларининг санитар-ҳимоя чизиғи доирасида ер ости сувлари ҳамда атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалар (мағзава чуқурлари, гўнгхоналар ва бошқалар) бўлмаслиги керак.

18. Магистрал қувурлар учун ер йўлкалари лойиҳада кўзда тутилган қурилиш кетма-кетлигига мувофиқ аниқланиши зарур.

19. Магистрал қувурлар бўйига аниқланган ер тасмасининг кенглиги лойиҳа ҳужжатларига кўра белгиланиши, бунда ушбу кўрсаткичлар мазкур ШНҚнинг 1-иловасида келтирилган меъёрлардан ошиб кетмаслиги лозим.

20. Қийин ўтиладиган (чўл, тоғ ва бошқалар) жойларда қурилаётган, диаметри 1420 mm дан катта бўлган қувурлар бўйига ер майдонининг энини аниқлашда, ёнғин ва фавқулодда (авария) ҳолатларга қарши иншоотларни (нефть ва нефть маҳсулотлари учун қопламалар, зовурлар ва идишлар), қувурларни катодли ҳимоялаш станциялари, насос ва компрессор станцияларини уловчи бўғинлари, қувурларни тозалаш мосламалари ҳамда табиий ва сунъий тўсиқлардан ўтиш жойларини, қуриш учун аниқланадиган ер майдонларининг ўлчамлари шаҳарсозлик ҳужжатлари орқали амалга оширилиши зарур.

21. Турли диаметрли ёндош қувурлар ўқлари орасидаги масофа диаметри катта бўлган қувурўтказгич учун белгиланган масофага тенг равишда қабул қилиниши керак.

Бир хандақ (траншея)да ётқизилаётган иккита нефтўтказгичлар ва нефть маҳсулотлари қувурлари орасидаги масофани ушбу ШНҚнинг 2-иловасида келтирилган кўрсаткичлардан кам лекин қувурларнинг деворлари орасида 1 m дан кам бўлмаган масофа қабул қилинишига йўл қўйилади.

22. Марказлашган канализация тармоғи бўлмаганда, ҳожатхонадан қўшни бино деворигача ҳамда сув таъминоти манбаи (қудуқ)гача масофалар ШНҚ 2.07.01-03га талабларига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

23. Магистрал сув қувурлари ва канализация коллекторларини бошқариш хоналари учун аниқланган ер майдонининг ўлчами 10 x 10 m дан ҳамда қудуқларни жойлаштириш учун аниқланадиган ер майдонининг ўлчами 3 x 3 m дан ошмаслиги керак.

24. Сувни тозалаш станциялари учун ер участкалари майдони ШНҚ 2.07.01-03нинг талабларига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

2-§. Нефть ва газ қудуқлари ҳамда қувурлари учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

25. Нефть ва газ қудуқлари учун ер майдонлари нефть ва газ конларини ўзлаштириш режасига мувофиқ алоҳида майдонлар тариқасида аниқланиши лозим.

26. Нефть ва газ қудуқлари учун аниқланган ер майдонларининг ўлчами мазкур ШНҚнинг 4-иловасига мувофиқ белгиланади.

27. Нефть ва газ қудуқларига ер остидан борувчи қувурўтказгичлар ва йўллар бўйига аниқланадиган ер майдонларнинг эни ушбу ШНҚнинг 5-иловаси бўйича белгиланади.

28. Ер участкаларининг нефть ва газ қувурлари қуриш учун яроқли ёки яроқсизлиги ергеологик қатламларини ўрганиш орқали аниқланади.

29. Газ транспорти тизими объектлари билан уларга яқин бўлган бино ва иншоотлар, шунингдек бошқа объектлар орасидаги рухсат этилган энг кичик масофалар ҚМҚ 2.05.06-97 ҳамда ШНҚ 2.07.01-03 ларда белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ аниқланиши керак.

30. Бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда, қуришда ва қайта қуришда, мазкур объектлардан магистрал газ қувургача ва газ транспорти тизимининг бошқа объектларигача бўлган энг кичик масофалар ШНҚ 2.04.08-13да белгиланган кўрсаткичларга мос бўлиши лозим.

31. Газ транспорти тизими объектларига тааллуқли бўлмаган бино ва иншоотлар билан магистрал газ қувурининг тармоқ қисми орасидаги энг кичик масофани ўлчашда, магистрал газ қувурининг тармоқ қисми ўқи билан ушбу бино ва иншоотларнинг ташқи чегаралари бўйича вертикал текисликлари орасидаги энг яқин масофалар олинади. Магистрал газ қувурлари параллель ҳолатда ётқизилганда, ўлчашлар магистрал газ қувурларининг ҳар бир тармоқ қисм ўққача амалга оширилади.

32. Нефть ва газ қувурлари ва магистрал газ узатиш тизими иншоотларининг шикастланиш ҳолатларини, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда хавфсиз ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг атрофида муҳофаза зоналари белгиланади.

33. Нефть ва газ қувурлари ҳамда магистрал газ узатиш тизими иншоотларининг муҳофаза зоналари ер участкаси ёки сатҳидан тубигача бўлган сув муҳитини ўз ичига олиш керак.

3-§. Геология-қидирув қудуқ иншоотлари учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

34. Геология-қидирув қудуқлари ва иншоотларини қуриш учун аниқланадиган ер майдонларининг ўлчамлари қуйидаги иловаларда белгиланган:

геологик-қидирув таркибий-тадқиқот қудуқларини барпо этиш учун ушбу ШНҚнинг 6-иловасида;

қаттиқ қазилма бойликларнинг геология-қидирув қудуқларини барпо этиш учун мазкур ШНҚнинг 7-иловасида;

гидрогеологик геология-қидирув қудуқларини барпо этиш учун ушбу ШНҚнинг 8-иловасида;

нефть ва газ геология-қидирув қудуқлари ҳамда иншоотларини барпо этиш учун мазкур ШНҚнинг 9-иловасида;

геология қудуқларининг технологик майдончаларини жойлаштириш учун мазкур ШНҚнинг 10-иловасида;

геология-қидирув қудуқларининг муҳандислик коммуникацияларини жойлаштириш учун ушбу ШНҚнинг 11-иловасида;

яшаш (вахта) кичик шаҳарчаларини жойлаштириш учун ушбу ШНҚнинг 12-иловасида.

35. Геология-қидирув қудуқлари иншоотларини қуриш учун ер майдонларини жойлаштиришда бурғилаш қурилмаси ҳамда унинг атрофидаги иншоотлар ер майдонининг аниқланаётган участкасидан ўтувчи йўл ва муҳандислик коммуникациялари сифатида киритилиши лозим.

36. Ер майдонларининг ўлчамлари жойнинг тоғли рельефида ер сатҳига нисбатан 15° қияликда ҳисобга олиниши керак.

37. Мазкур ШНҚнинг 6, 7, 8 ва 9-иловаларида келтирилмаган бурғилаш қурилмаларига эга қудуқлар иншоотлари учун ер майдонларини бурғилаш қурилмасининг белгиланиши, турлари, ўлчамлари ва ҳаракатга келтириш тури мос келадиган қудуқ иншоотлари учун ер майдонларининг мувофиқлик синфи бўйича олиниши лозим.

38. Мураккаб физик-геологик шароитларда (йўлдош сувларни чиқариб ташлаш мақсадида хандақ қазиш, насос блокларини алоҳида чиқариш зарурати, шунингдек мураккаб рельефли участкалар мавжуд бўлганда) қудуқ иншоотларини қуриш учун ер майдонларини аниқлаш меъёрларини оширишга қўшимча техник-иқтисодий асослаш орқали йўл қўйилади.

5-боб. Транспорт иншоотлари учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

1-§. Аэропортлар учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

39. Аэродром қурилиши даврида вақтинча фойдаланиладиган ишлаб чиқариш базалари, кириш йўллари ва бошқа қурилиш объектлари майдони аэропорт учун аниқланган ер майдонининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

40. Аэропортлар ва аэродоромлар учун ер майдонларини аниқлашда авиация шовқинининг аҳоли яшаш ҳудудига таъсирини ҳисобга олиш керак.

41. Турар-жой, жамоат ва саноат бинолари атрофида аэропортлар ва аэродоромлар фаолиятини ўчиш траекторияларини, авиация шовқини ва бошқа экологик таъсирлар оқибатларини ҳамда қўниш учун киришда объектларнинг сонини қисқартиришни инобатга олиб ер майдонларини аниқлаш ёки жойлашишини танлаш лозим.

42. Аэродоромлар чегараларидан аҳоли жойлашган ҳудудгача масофалар ШНҚ 2.07.01-03 га мувофиқ белгиланади.

43. Битта учиш йўлаги ва алоҳида иншоотлари бўлган аэродоромлар учун ер участкаларининг ўлчамлари ушбу ШНҚнинг 13-иловасига мувофиқ белгиланиши керак.

44. Аэропорт техник-хизмат кўрсатиш майдонлари учун ер участкаларининг ўлчами ушбу ШНҚнинг 14-иловасига мувофиқ олиниши керак.

45. Лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш учун ер майдонларини қуйидагиларни инобатга олиб аниқлаш лозим:

аэродром назорат нуқтасидан 46 km радиусда жойлаштириладиган бинолар, иншоотлар, шунингдек одамлар, қушлар ҳамда ёввойи ҳайвонлар (кемирувчилар) кўплаб тўпланишига олиб келадиган объектларни;

аэродром назорат нуқтасидан 46 km радиусда жойлаштириладиган радио алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари (юқори кучланишли), радио ва электромагнит нурланишли бошқа объектлар, шунингдек, ёритиш техникаси объектларини;

аэродром назорат нуқтасидан 15 km радиусда жойлаштириладиган портлаш хавфи мавжуд бўлган объектларни;

жойлаштириладиган жойидан қатъи назар чиқариб юбориладиган газларни фавқулодда ёқиш учун машъала қурилмаларни;

аэродром назорат нуқтасидан 46 km радиусда жойлаштириладиган саноат ва бошқа корхоналар ҳамда иншоотлар, парвоз кўринишини ва аэродром учиш майдонларининг ҳолатини ёмонлаштирувчи объектларни;

жойлаштириладиган ер майдонидан қатъи назар мутлақ баландлиги 50 m ва ундан ортиқ бўлган объектларни.

2-§. Автомобиль йўллари ва йўл сервиси объектларини жойлаштириш учун ер майдонларининг ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

46. Ушбу параграфда назарда тутилган ер майдонларини аниқлаш меъёрлари қуйидаги ҳолатларда қўлланилмайди:

лойиҳалаш меъёрларига мувофиқ автомобиль йўллари кўтарма (полотно)ларининг индивидуал лойиҳа ечимлари талаб этилган ҳолларда;

ён бағирларидан бирининг баландлиги (чуқурлиги) 12 m дан юқори бўлганда;

кўприклар, йўл ўтказгичлар ва тоннелларга яқинлашиш жойларида;

сув босган участкаларда ва сув ҳавзалари билан кесишган жойларида;

биринчи йўл-иқлимий минтақаси ҳамда тоғли ва нотекислик жойларда, ер сатҳининг қиялиги 20 фоиздан ортиқ бўлганда.

Бунда, автомобиль йўллари участкалари учун аниқланадиган ер минтақаларининг чегаралари лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида муҳандислик қидирувлари натижалари асосида ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

47. Автомобиль йўли учун ер ўлчамлари қуйидагиларни инобатга олиб аниқланиши лозим:

ер майдонларининг чегараларини;

автомобиль йўллари тоифасини;

ҳаракатланиш йўлаги сонини;

ердан кўтарилиш баландлигини;

нишабли ён бағрининг тупроқ кўтарма (полотно)ларига ёки ўйилманинг чуқурлигини;

йўл ёнидаги захира ерларнинг мавжудлигига қараб мазкур ШНҚнинг 15, 16-иловаларида белгиланганларни.

48. Автомобиль йўлларини сақлаш ишларни амалга ошириш учун ушбу ШНҚнинг 15 — 17-иловаларига мувофиқ ер майдонларни аниқлаш белгиланган ерларнинг минтақа чегарасига қўшимча равишда автомобиль йўлининг ҳар иккала томонидан эни 3 m дан кам бўлмаган ер тасмалари назарда тутилиши лозим.

49. Аниқланадиган ер участкаларининг чегараларига қўшимча равишда мазкур ШНҚнинг 15-16-иловаларида назарда тутилмаган йўлларнинг ва йўл иншоотларининг конструктив элементларини жойлаштириш учун ер участкалари ўлчамлари ва манзиллари ҳамда қуйидагилар аниқланиши лозим:

транспорт ечимлари;

сув ўтказувчи қувурларнинг бошида сув йўлини мустаҳкамлаш, оқим йўналишдаги кўтарма (дамба) ва траверслар, сув йўлларини тўғрилаш ва кўприк олдида кесиб олиш;

нишаблик (қиялик)даги ер полотноси мустаҳкамлигини таъминлаш, берма қурилма (мослама) тупроғини қирқиш ва кўринишни таъминлаш мақсадида ўрмонзорларни қирқиш, буғланадиган ҳовузлар, чуқурликдаги 1 m дан чуқур бўлган ўйилмалар;

автобус тўхташ жойлари, кириш йўлаклари, қияликлар (съезд), йўл қўшилмалари, вақтинча фойдаланиладиган йўллар;

пиёда ва велосипедчилар учун ажратилган йўллар;

меъёрий талаблари асосида тузилган тезкор-ўтиш ва қўшимча ҳаракатланиш йўллари, автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш учун транспорт воситалари кириш йўллари;

зарур иншоотларни ўз ичига олган, ўзаро ўрнини босувчи йўл участкаларининг муҳофаза ва декоратив иҳота дарахтзорлари ҳамда мослама (қурилма)лар;

кўчки, сел, қор кўчкиси ва шовқинга қарши ҳамда бошқа муҳофазалаш иншоотлари, кювет-орти полкалар, қўшимча полкалар ёки 4 m дан кам бўлмаган йўл четлари (обочина);

автомобиль йўлларининг жиҳозлаш мослама (қурилма)лари;

йўналишдаги йўл хизматлари бино-иншоотлари, йўлларда хизмат кўрсатиш учун йўл сервиси объектлари ва йўлларга хизмат кўрсатувчи махсус аҳамиятга эга бўлган бошқа объектлар;

ер участкасини танлаш далолатномаси лойиҳаси ёки кадастр ишларини бажаришда зарур бўлган ҳужжатлар таркибига киритилган талаб ва шартларда назарда тутилган бошқа иншоотлар.

50. Ҳар хил баландликда автомобиль йўллари кесишувилари ва туташмаларини жойлаштириш учун талаб этилган ер майдонларини аниқлаш меъёрлари ушбу ШНҚнинг 17-иловасида белгиланган.

51. Ишлаб чиқариш ва автомобиль йўлларини жиҳозлаш мосламаларининг алоҳида элементларини ва йўл сервиси объектларини жойлаштириш учун аниқланадиган ер майдонларнинг меъёрлари мазкур ШНҚнинг 18-иловасида белгиланган.

52. Ҳудудни режалаштириш ҳужжатларини тайёрлаш ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишдан олдин қурилиши ва қайта қурилиши режалаштирилган автомобиль йўлларини жойлаштириш учун аниқланадиган ер майдонларнинг чегарасини аниқлаш мақсадида фойдаланиш учун ушбу ШНҚнинг 19-иловасида меъёрлар келтирилган.

53. Ҳисоблаб аниқланган ер майдонларининг чегаралари мазкур ШНҚнинг 15, 16-иловаларига мувофиқ қуйидагиларни жойлаштириш учун зарур бўлган ер участкалари минимал ўлчовини аниқлашда қўлланилади:

ёнбағирларнинг пастки қирралари ёки ариқ (хандақ)лар ёнбағирларининг юқори қирралари орасидаги ер кўтармасини;

кўтармаларнинг қирғоғи баландлиги текис ер шароитида 1,5 m гача ва нотекис ер шароитида 2 m гача бўлганда икки томонлама жойлашган кюветлар ёки кўтарманинг қирғоғи ернинг кўндаланг нишаблиги 9 фоиздан юқори бўлганда бир томонлама жойлашган кюветлар;

аниқлаб бериладиган ер майдонларнинг чегарасида автомобиль йўлларини сақлаш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида, йўлнинг ҳар икки томонида кўтарма этагидан ва ўйилманинг қирғоғидан ёки зовур (ариқ)лар ва кюветларнинг нишабликлари этагидан ёки ушбу ШНҚнинг 49-бандида назарда тутилган бошқа элемент (иншоот)ларидан 3 m дан кам бўлмаган масофани сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш учун талаб этилган шароитларни таъминлашга мўлжалланган ер участкалари.

54. Ер майдонларининг ўлчамлари ушбу ШНҚнинг 15, 16-иловаларида келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ аниқланиши керак.

55. I — III тоифали автомобиль йўллари учун нишаб ёнбағрининг тупроқ кўтармалари баландлиги 3 m гача бўлганда, IV-V тоифали автомобиль йўллари учун эса 2 m гача бўлганда автомобиль йўллари учун аниқланадиган ер майдонлар чегарасини аниқлашда ер майдонларни аниқлаш меъёрлари мазкур ШНҚнинг 1-иловасида ҳисобга олинмаган ҳолатларда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

56. Мазкур ШНҚнинг 15, 16-иловаларида келтирилган ер майдонларини аниқлаш ҳар иккала томондан кюветлар ташкил этилишини инобатга олган ҳолда, текис жойларда кўтарманинг баландлиги 1,5 m ва нотекис жойларда кўтарманинг баландлиги 2,0 m ҳисоби билан ерлар чегарасини аниқлаш лозим.

Кюветлар учун ер майдонларини ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги кўрсаткичларда белгиланиши лозим:

а) автомобиль йўллари кўтармаларда жойлаштирилганда:

кюветнинг трапециясимон шаклда;

кювет тагининг эни — 0,4 m;

кюветнинг чуқурлиги — 0,5 m;

кюветларнинг ички ва ташқи ёнбағирлари ҳамда ёндош захира ер майдонини жойлашиши кўтарманинг ёнбағирлари жойлашишига тўғри келганда.

б) автомобиль йўллари ўйилмаларда жойлаштирилганда:

кюветнинг трапециясимон шакли;

кювет тагининг эни — 0,4 m;

кюветнинг чуқурлиги — кўтарманинг этагидан 1,2 m;

кюветларнинг ички ва ташқи ёнбағирлари ҳамда ёндош захира ерлари жойлашиши автомобиль йўлининг тоифасига мувофиқ кўтарманинг ёнбағирлари тўғри келганда.

Кювет чуқурлиги ва ёнбағирларининг қиялиги мазкур ШНҚнинг 15, 16-иловаларида келтирилган кўрсаткичлардан фарқли бўлганда аниқланадиган ер майдонларнинг энини ушбу ШНҚнинг 49-бандига мувофиқ ўзгартирилишига йўл қўйилади.

57. Ҳаракатланиш йўлаги 8 та бўлган I тоифали автомобиль йўллари учун аниқланадиган ер майдонларининг чегаралари ушбу ШНҚнинг талабларига мувофиқ ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади.

58. Сервис объектларини жойлашиши йўлнинг кўринишига салбий таъсир кўрсатмаслиги, бунда ён кўринишини таъминлаш учун минимал масофалар ушбу ШНҚнинг 20-иловасига мувофиқ олиниши лозим.

59. Сервис объектлари ҳаракат хавфсизлигига, йўл ва унинг элементларини сақлаш ва таъмирлаш ишларига тўсқинлик қилмаслиги, йўлнинг истиқболдаги реконструкция қилинишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим.

60. Яшаш жойи ёки ишхонадан йўловчи транспортининг энг яқин бекатигача пиёда боришининг узоқлиги ШНҚ 2.07.01-03 га мувофиқ белгиланади.

61. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун хавфсизлик минтақаси (қизил чизиққача бўлган масофа) қурилиш учун ажратилган ер тасмаси чегарасидан I ва II тоифадаги автомобиль йўлларида 25 m, III тоифадаги автомобиль йўлларида 20 m, IV ва V тоифадаги автомобиль йўлларида 15 m бўлиши лозим.

62. Умумий фойдаланишдаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли бўлмаган бошқа бино ва иншоотларни қурилиш чегарасигача бўлган масофа йўл ўқидан ҳар томонга (чап ва ўнг) 57,5 метрдан кам бўлмаслиги керак.

63. Автомобиль йўлларига ажратилган минтақа учун зарур ер участкалари чегараси автомобиль йўллари тоифасига қараб, ҳаракатланиш йўлаги сонига, ердан кўтарилиш баландлиги ёки ўйилманинг чуқурлигига, йўл ёнидаги ёрдамчи резервлар бор йўқлигига, нишаб ёнбағрининг тупроқ кўтармаларига қараб белгиланади.

3-§. Темир йўллар учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

64. Темир йўлдан турар жой қурилмалари, автомобиль йўллари, гаражлар, автомобиллар тўхташ жойлари, автомобилларга хизмат кўрсатиш корхоналари, омборлар ва коммунал-маиший муассасалари ШНҚ 2.07.01-03га келтирилган талабларга мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

65. Перегонларда (поезд тўхталмасдан ҳайдалиб ўтиладиган бекатлар оралиғи) темир йўллар учун аниқланадиган ернинг эни (йўл ёнида захира майдонлар, кавальерлар, мустаҳкамлаш иншоотлари, шамолдан ҳимояловчи иҳоталар ва магистрал қурилмалар бўлмаганда) ушбу ШНҚнинг 21 ва 22-иловаларига мувофиқ белгиланади.

66. Темир йўллар қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон фонди ерларида жойлаштирилганда йўллардан поезд ўтиш қобилиятини ошириш, шунингдек ғилдирак изи 1520 mm бўлган I ва II тоифали иккинчи темир йўл изини барпо этиш йўли билан кенгайтириш мақсадида қўшимча ер участкалари уларда мукаммал бино-иншоотлар қуриш ҳамда кўп йиллик дарахтлар ўтказилишига йўл қўйилмайдиган махсус зоналарга ажратиб олиниши зарур.

67. Ғилдирак изи 1520 mm бўлган I ва II тоифали темир йўллар қишлоқ ёки ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан ўтказилганда иккинчи темир йўл изини қуриш учун йўл бўйлаб аниқланадиган ер майдонинг энига мазкур ШНҚнинг 21 ва 22-иловаларида келтирилган меъёрларга 4 m қўшиб ҳисобланиши лозим.

68. Темир йўл учун ер майдонлари ўлчамлари қуйидагиларни инобатга олиб аниқланиши керак:

темир йўлни келгусида ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида қўшимча ер участкалари (муҳофаза зоналари) ўлчамлари;

поезд тўхташ ва йўналишини ўзгартириш бекатлари;

қувиб ўтиш ва аҳоли яшаш жойлари;

вагонларни шатакка олиш бекатчалари;

йўл тармоғи бинолари ҳамда темир йўлдан фойдаланишга боғлиқ бошқа объект ва иншоотларни жойлаштириш учун аниқланадиган (муҳофаза зонаси) ўлчами ва манзили;

темир йўл ёнидаги қўпорилиш ва кўчкиларга қарши ҳар хил сунъий мустаҳкамлаш иншоотлари;

кесиб ўтиш жойлари;

шамол, қор кўчкиларидан ҳимоялаш;

ўрмонзорларини жойлаштириш (шу каби ўзига хос (индивидуал) лойиҳалаш зарурати туғилганда);

тоғ қияликларида ва сувларини оқизиб кетувчи ариқларни жойлаштириш учун аниқланадиган ернинг эни;

темир йўл қурилиши даврига аниқланадиган ер майдонининг эни (муҳофаза зонаси) ва ер участкасининг ўлчами;

йўлнинг ҳар иккала тарафига, қум кўчишига йўл қўядиган ҳар қандай ҳаракатларнинг (тупроқ қатламини бузиш, чорва молларни боқиш, ўсимликлар қопламини нобуд қилиш) олдини оладиган қўшимча аниқланадиган ернинг эни.

Темир йўл участкаларини табиий ва сунъий қум уюмларидан муҳофазалайдиган (тўсадиган) кўп йиллик ўтлар, ўсимлик ва дарахтлар экиш учун йўлнинг ҳар иккала тарафидан аниқланадиган ер майдонининг эни 100 m дан кам бўлмаслиги лозим.

69. Кўтарма устидан ўтувчи изнинг ўқидан, иҳота дарахтзорларгача бўлган масофа 15 m дан кам бўлмаган масофада бўлиши лозим.

Ғилдирак изи 1520 mm бўлган I тоифали темир йўлларда эса бу масофа иккинчи йўл қуриш мўлжалланган томонга 20 m гача оширилиши керак.

70. Темир йўли четидан сувларни оқизиб кетувчи ариқлар мавжуд бўлганда, уларнинг қиясидан иҳота дарахтзорларгача бўлган масофа 5 m дан кам бўлмаган ўлчамда белгиланиши лозим.

Ғилдирак изи 1520 mm бўлган I тоифали темир йўлларда эса бу масофа иккинчи йўл қуриш мўлжалланган томонга 10 m гача оширилади. Бунда, ҳар қандай ҳолларда темир йўлнинг энг четки изи ўқидан иҳота дарахтзорларгача бўлган масофа 15 m дан кам бўлмаслиги лозим.

71. Кўмир ва норуда (минерал-қурилиш) материалларни тушириш учун юкларни ва контейнер пунктлари омборлари, кимёвий (заҳарли бўлмаган) ва чангланадиган буюмларни юклаш ва тушириш станцияларидаги доимий омборлар, офислар ва турар-жой бинолари, шунингдек маданий ва маиший мақсадлар учун мўлжалланган биноларнинг масофалари ШНҚ 2.05.01-19га мувофиқ аниқланади.

6-боб. Телекоммуникация тармоқлари ва электр энергиясини узатиш тармоқлари учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

1-§. Телекоммуникация тармоқлари учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

72. Ер ости кабеллари ва ҳаво алоқа кабель линияларини ўтказиш, реконструкция қилишда, телекоммуникация тармоқлари қурилишида ҳамда доимий фойдаланиш учун аниқланадиган ер майдонларининг эни ушбу ШНҚнинг 23-иловасига мувофиқ белгиланади.

73. Телекоммуникация иншоотлари учун аниқланадиган ер майдонларининг ўлчамлари мазкур ШНҚнинг 24-иловасига мувофиқ белгиланади.

74. Телекоммуникация тармоқлари, иншоотлари ва алоқа линиялари, мобил алоқа, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение антенна мачта ҳамда минора иншоотларини жойлаштириш учун ер майдонларини аниқлашда тармоқ қурилмалари, антенналар, минора ва мачталарни ушлаб турувчи конструкциялар, тортқилар, тегишли телекоммуникация воситалар жойлаштириладиган техник бинолар инобатга олиниши лозим.

Зарурат бўлганда, контейнерлар ёки алоҳида хоналарни жойлаштириш учун ер майдонлари инобатга олиниши мумкин.

2-§. 0,1-750 kV кучланишли электр энергиясини узатиш тармоқлари учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш меъёрлари

75. Электр тармоқларини қурилиш-монтаж, таъмирлаш учун аниқланадиган тармоқ бўйи ер майдонининг эни ва ер майдонларининг миқдори лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ аниқланиши, бунда уларнинг эни ва ўлчами тегишли электр тармоқлари учун мазкур ШНҚнинг 25 ва 26-иловаларида келтирилган миқдордан ошиб кетмаслиги лозим.

76. Юқоридан ўтувчи электр тармоқларининг бирлаштирилган (унификация) ва намунавий таянчларни йиғиш (монтаж), уларни ўрнатиш жойлари учун фойдаланишга аниқланадиган ер майдонларининг ўлчами ушбу ШНҚнинг 25-иловасида келтирилган.

Тармоқ бўйига аниқланадиган ер майдонига қўшимча равишда ер майдонларининг ўлчами мазкур ШНҚнинг 26-иловасида келтирилган миқдордан кўп бўлмаслиги лозим.

77. Ер участкаларнинг электр узатиш тармоқлари ва таянчларини қуриш учун яроқли ёки яроқсиз эканлиги ер-геологик қатламларини ўрганиш орқали аниқланади.

78. Ер участкаларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш имконияти уларнинг амалда мавжуд бўлган электр узатиш тармоқлари ва таянчларга улашнинг энг мақбул усулини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

79. Электр узатиш тармоқлари ва таянчлари учун ер участкаларида муҳофаза зоналарининг чегаралари (ҳудудлари)да огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилиши керак.

80. Алоҳида турадиган тақсимлаш пунктларини ва ҳар бири 1000 kV қувватига эга бўлган кўпи билан 2 та трансформаторли 6 — 20 kV кучланишли подстанцияларни жойлаштиришда ва шовқиндан ҳимоялаш учун уларнинг турар жой ва жамоат биноларидан узоқлиги ШНҚ 2.07.01-03 га мувофиқ аниқланади.

81. Кучланиши 1000 V дан юқори электр энергиясини юқоридан (ҳаводан) узатувчи тармоқларнинг таянчларини, ер сатҳидан ўтувчи кабелли электр узатиш тармоқларининг иншоотларини, электр энергиясини тақсимлаш, секцияларга ажратиш, ўчириб ёқиш подстанцияларини жойлаштириш учун аниқланадиган ер майдонлари шу объектларнинг эксплуатация даврида доимий фойдаланишга ажратилиши керак.

82. Электр энергиясини юқоридан (ҳаводан) узатиш тармоқларини тутиб турувчи таянчлар тагига (таянчларни тортиб турувчиларни ҳам ҳисобга олиб) аниқланадиган ер майдонининг миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланиши зарур:

$$F = n (F_0 + f)$$

бу ерда:

F_0 — битта таянч (тортиб турувчиларни хам ҳисобга олиб) эгаллаган контурнинг ташқи чегаралари ичидаги ер майдони m^2/дона;

n — таянчлар сони, (дона)

f — таянчлар (уларни тортиб турувчиларни ҳам ҳисобга олиб) тизимининг ташқи контурлари бўйига аниқланадиган ернинг эни 1 m, суғориладиган ерларда ригеллар 0,8 m чуқурликка ўрнатиладиган бўлса, бу 1,5 m^2/донага тенг қилиб олиниши лозим.

Кучланиши 500 ва 750 kV ли электр тармоқларининг уч устунли ва порталли (икки устунли) эркин (тортиб турувчиларсиз) турувчи таянчлари учун;

F_0 — битта устун эгаллаган ички контур чегарасидаги ер майдони, m^2/дона;

n — устунлар сони, дона.

Кучланиши 500 — 750 kV ли электр энергиясини узатувчи тармоқларнинг уч устунли ва портал (икки устунли) таянчлари, уларни тортиб турувчиларни тагига ҳам доимий (муддатсиз) фойдаланиш учун аниқланадиган ер майдони — F ни аниқлаш қуйидагича амалга оширилади;

$F=\eta\pi R^2$

бу ерда:

